(BIDENS FRONDOSA L). ЎСИМЛИГИНИНГ МОРФОЛОГИК-ДИАГНОСТИК БЕЛГИЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАШГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Абдуллаева Раъно Абдумуминовна, Фарманова Нодира Тахировна
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш. Ўзбекистон Республикаси
e-mail: ranoaabdullaeva@gmail.com, тел. +998977406077
https://doi.org/10.5281/zenodo.7198577

Мавзунинг долзарблиги: *Bidens frondosa* L.- астрадошлар оиласига мансуб уч бўлакли иттиканак (*Bidens tripartita* L.) нинг инвазив ксенофит тури бўлиб, табиий ареали Шимолий Америкада жойлашган. Иккиламчи арели бўйича Евроосиё давлатлари, Беларуссия, Мордовия Республикалари ва жануби-шарқий Европа давлатларида учрайди. Тиббиётда иттиканак ўсимлиги яллиғланишга қарши, тер ҳайдовчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида, моддалар алмашинувини яхшиловчи восита сифатида ҳамда дерматология амалиётида кенг қўлланилади.

Bidens tripartita L. доривор хом ашёсини қўллаш жараёнида Ўзбекистонда унга морфологик хусусиятлари яқин бўлган янги инвазив турга дуч келдик. Изланишлар натижасида, *Bidens tripartita* L. билан биргаликда бутун Республика бўйлаб ҳамда Тошкент шаҳрида нафақат морфологик жиҳатдан яқин бўлган, балки унга нисбатан доминантлик қилаётган, рақобатбардошлик хусусияти юқори бўлган *Bidens frondosa* L. ўсимлиги аниқланди. Фармакогностик скрининг ва изланишлар натижасида ушбу янги адвентив тур - *Bidens frondosa* L. ўсимлигини чуқурроқ ўрганишга киришдик.

Тадқиқотнинг мақсади. Республикамизда сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинганлигини инобатга олиб, янги инвазив тур *Bidens frondosa* L. нинг морфологик- диагностик белгиларини таққослашга оид изланишлар тадқиқотимизнинг мақсадини ташкил этди.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқотимиз объекти сифатида *Bidens tripartita* L. ва *Bidens frondosa* L. ўсимликлари олинди. Ўсимлик хом ашёлари июл -август ойларида ўзининг табиий ўсиш жойларидан бирламчи хом ашёга қўйилган талаблар асосида тайёрланди. Макроскопик таҳлил натижаларига кўра, *Bidens frondosa* L. ўсимлиги ташқи кўринишида ксерофит морфологик тузилишга эга бўлиб, барглари *Bidens tripartita* L. билан солиштирилганда, майдароқ, четлари қиррали ва кенг тожсимон

эканлиги аниқланди. Ўсимликлар орасидаги аниқ систематик фарқ уларнинг мевасида аниқланди. Уруғлардаги илгичсимон туклар икки ўсимликда ҳам пастга қараган бўлиб, *Bidens frondosa* L. ўсимлигида ён тарафлама тепага қараган бўлиб, бутун уруғ бўйлаб қопланган. Айнан ушбу белгилар ўсимликнинг ҳайвонлар терисига қаттиқ ёпишиб ёки бошқа омиллар натижасида кенг тарқалишини таъминлайди.

Натижалар: Тадқиқот натижаларига кўра, ўсимликларнинг қуйидаги асосий морфологик-диагностик белгилари: марказий поянинг баландлиги, барг пластинкасининг шакли, гул саватчасининг тузилиши ва энг асосийси уруғлардаги тиғсимон тукларида намоён бўлди.

Хулоса. (*Bidens tripartita* L.) ва унинг инвазив морфологик жиҳатдан яқин тури *Bidens frondosa* L. нинг морфологик -анатомик белгилари фармакогностик таҳлил қилинди. Ушбу белгилар иттиканак ўсимлиги турларининг чинлиги ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун асос бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Н.В.Корожан, Г.Н.Бузук “Сравнительное изучение морфологических и анатомо-диагностических признаков травы видов череды”. Вестник фармации №1 (59) 2013г.
2. Л.М.Абрамова, С.В.Нурмиева “ К биологии инвазивного вида *Bidens frondosa* L. в предуралье Республики Башкортостан ” Известия Самарского научного центра Российской академии наук. 2013.Т.15 №3.